

БАНК АЖБОРОННОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№49 (1176), 2018 йил 6 декабрь



8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

Конституция – инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ифодаси сифатида демократик қадрият, анъана ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда миллий тотувликни таъминлашда бош омилдир. Бош қомусимизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Парламент куйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан “Конституция – ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий кафолати” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва устувор тамойиллари ҳақида сўз юритилар экан, унда, биринчи навбатда, инсон манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида муҳраб кўйилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришилган барча ютуқлар Конституцияимизда қафолатланган ҳуқуқлар туйғайди. Босиб, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолатларини ўзида акс эттирган.

(Давоми 3-бетда.)

2019-2021 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон иқтисодийни ислоҳ қилиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришди. Таъкидлаш жоизки, ҳукумат томонидан асосий эътибор аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини мазкур ислохотларнинг салбий оқибатларидан асрашга қаратилди. Шунингдек, ҳукумат фуқаролар билан маслаҳатлашиш механизмларини такомиллаштириб, ислохотлар жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланмоқда.

Пойтахтимиздаги Hyatt Regency меҳмонхонасида бўлиб ўтган “2019–2021 йилларга мўлжалланган тизимли ислохотлар асосий йўналишларининг йўл харитаси” мавзусидаги халқаро тадбирда ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат идоралари, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, қатор халқаро молия институтлари ва консалтинг муассасалари вакиллари, йирик компания раҳбарлари, етакчи маҳаллий мутахассислар иштирок этди.

Тадбирни молия вазири Жамшид Кўчқоров очиб берди. У ўз нутқида

Ўзбекистон ЯИМнинг аҳоли жон бошига тақсимот ҳажмининг пастиги, мамлакатнинг қатор халқаро рейтинглардаги ўрни куйида экани ёки умуман йўқлиги иқтисодий тизимда кузатилаётган камчилик эканини айтиб, ташқи қарз миқдорининг пастиги — ЯИМнинг 24 фоизини ташкил этиши, олтин-валюта захиралари ҳажмининг юқорилиги каби ютуқларга ҳам алоҳида тўхталди. Шунингдек, Ўзбекистон йил охирига қадар суверен кредит рейтингини олиши, 2019 йилнинг биринчи чорагида эса ташқи бозорга облигациялар чиқариш кўзда тутилаётгани ҳақида сўз юритди.

(Давоми 3-бетда.)

Республика Марказий банки давлатимиз равнақи йўлида валюта ва пул-кредит сиёсатини тўғри йўлга қўйиш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляция ўсишининг олдини олиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу ҳақда Марказий банкда бўлиб ўтган брифингда батафсил сўз юритилди.

Брифингда банк мутахассислари журналистлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтаришди. Куйида муҳим масалалар бўйича билдирилган фикрларни қисқача келтириб ўтамыз.

Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар департаменти директори Дилбар Абдуғаниева:



– Кейинги йилларда барча соҳалар каби банк тизимида ҳам изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда Марказий банк олдида турган муҳим вазифалардан бири бу – тизимда бўлаётган ўзгаришлардан аҳолини боха-



БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ҚАРАТИЛГАН

бар қилиш ва янгиликларни тезкорлик билан етказишдир. Бу жараёнда Марказий банк келгусида доимий равишда ОАВ билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган ҳолда турли учрашувлар, матбуот анжуманлари ташкил этишни, республика иқтисодий тизимда бўлаётган ислохотлар ва янгиликлар бўйича ўз муносабатини билдириб боришни мақсад қилган. Мазкур учрашувимиз ана шу ишларнинг дебочасидир.

Шунингдек, Марказий банк томонидан аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш борасида ҳам комплекс режа ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар тайёрланмоқда.

– Президентимизнинг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши иқтисодий тизимда туб бурилиш ясади. Фармон билан кўплаб чекловлар олиб ташланди. Шахсларда валютага бўлган эгалик ҳуқуқи таъминланди. Юридик ёки жисмоний шахсларга ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш имконияти яратилди. Бу жараёнда валютани асл бозор механизми асосида сотиб олиш ва сотиш бирламчи вазифа этиб белгиланган эди. Ишонч билан айта оламаники, бу вазифалар бугун тўлақонли удаланиб, аҳолининг валютага бўлган эҳтиёжи қондириб келинмоқда. Буни валюта савдоларининг ҳолатидан ҳам аглаш мумкин. Жумладан, жорий йилда аҳоли банклардан валюта харид қилишдан кўра, улар-

га уч баробар кўп валюта сотган. Албатта, бу ижобий ҳолат, — дейди Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти директори Бобир Абубакиров брифингда.



– Шунингдек, банклар томонидан халқаро пул ўтказмалари, онлайн хизматлар, валюта айирбошлаш банкоматлари ва шу каби кўплаб хизматларнинг жорий этилгани аҳолига янада қулайлик яратди. Ҳозирги кунда жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган валютанинг 50 фоизи мобил иловалар орқалидир.

Албатта, бу йўналишдаги ишларни давом эттириб, хорижий тажрибаларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича режалар қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

БАНК ЯНГИЛИКЛАРИ

БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР
ТАРАҚҚИЁТГА ҚАРАТИЛГАН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Пул-кредит сийсати департаменти директори Бехзод Ҳамроев:



— Бугунги ўзгаришлар жараёнида банк тизимида эскича дунёқараш билан иш юритиб бўлмади. Афсуски, ҳануз ҳудудларда ана шундай фаолият юритадиганлар йўқ эмас. Шуниси аниқки, банк бу — бизнес, яъни тижорат ташкилоти.

У даромад олиш учун ишлайди. Агар эътибор берсак, хусусий банк тармоқларида мижозларга хизмат кўрсатиш, уларни ўзига жалб қилиш яхши йўлга қўйилган. Даромад ҳам шунга яраша. Давлат улуши бор банкларда эса бу борада бироз сусткашлик кузатилади.

Агар банк тизимида ҳақиқий банк менежменти ривожлантирилса, корпоратив бошқарув йўлга қўйилса, ҳар бир банк ҳақиқий тижорат билан шуғулланса, ўйламанки, бу ўз самарасини беради. Шубҳасизки, бу борада барча банклар бирдек енг шимариб ишламоқда. Бу борада Марказий банк ҳам қатор чора-тадбирлар кўриб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, банклар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш, хусусий банклар тармоғини кенгайтириш, банк хизматларини оммалаштириш, молиявий соғломлаштириш, энг асосийси, банкларда давлат улуши-

ни камайтириб, уларни хусусийлаштириш бўйича режалар ишлаб чиқилмоқда. Албатта, бу ишларнинг бари босқичма-босқич амалга оширилади. Айни кунда банкларга акция, облигациялар сингари қимматли қоғозларни сотиш каби қатор имкониятларнинг берилгани бу ишларнинг бошланишидир.

Шунингдек, кейинги йилларда Марказий банк ўз ўрнида инфляциян босимнинг олдини олиш мақсадида пул-кредит инструментларидан кенг фойдаланади. Очиқ бозор операцияларида иштирок этиб, ортиқча пуллари ўзига жалб этади. Бу ўринда бозорга қимматли қоғозлар чиқариш режалаштирилган бўлиб, Марказий банк очиқ бозор операцияларида иштирок этади. Энг асосийси, Марказий банк ликвидлиликни нормал бўлишини таъминлаш бўйича қатор чоралар кўради.

Йиғилиш давомида олтин ва қимматбаҳо тангалар хусусида ҳам сўз борди. Мазкур лойиҳа ҳали синов тариқасида бўлиб, келгусида бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиши ҳақида маълумот берилди.

МАРКАЗИЙ БАНКДА
ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “Коррупция — тараққиёт кушандаси” мавзuida давра суҳбати ташкил этилди. Унда Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлиги масъуллари, Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари иштирок этди.



лика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Марат Полвонов ўз маърузасида. — Мазкур Қонун ижроси тўлиқ ва самарали таъминлашни учун 2017 йил 2 февралда давлатимиз раҳбарининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида эса “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури” тасдиқланиб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди. Мазкур комиссия мана шу давр мобайнида коррупцияга барҳам бериш ва олдини олишга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни амалга оширди. Қолаверса, комиссия томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг кейинги уч йилга мўлжалланган янги дастури ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, дунёнинг айрим давлатларида коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган бўлса-да, жамиятда бу иллатнинг илдиз отишига йўл қўйилмаган ҳам. Сабаби, ўша давлат фуқаролари онли равишда унга қарши туришади. Бундан кўринадики, гап фақат қонунларда эмас, балки аҳолининг

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида эса “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури” тасдиқланиб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди. Мазкур комиссия мана шу давр мобайнида коррупцияга барҳам бериш ва олдини олишга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни амалга оширди. Қолаверса, комиссия томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг кейинги уч йилга мўлжалланган янги дастури ҳам ишлаб чиқилмоқда.

онгу тафаккурида. Шу боис, биз ҳам кейинги йилларда халқимиз онгиде коррупцияга қарши мурасизлик кайфиятини шакллантириш учун турли ижтимоий рекламалар, ташвиқот тадбирларини ташкил этаймиз. Албатта, бу вақт ўтиб ўз самарасини беради, дея таъкидлади М. Полвонов ўз нутқида.

Шунингдек, давра суҳбати давомида Адлия вазирлиги масъул ходими Маъруфжон Усмонов юртимизда коррупция ва уни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмини такомиллаштиришга оид амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар ҳақида сўз юритди.



Анжуманда банк тизимида ҳам коррупциянинг олдини олишга қаратилган кўплаб амалий ишлар, жумладан, мижоз ва банк ўртасидаги муносабатларни электрон, онлайн хизматлар орқали боғлаш каби замонавий хизматлар йўлга қўйиллаётгани хусусида таъкидланди.

Давра суҳбати якунида мутахассислар ва иштирокчилар ўртасида қизқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Б. МУҲАММАДИЕВ

FINANCEUZ хабар қилади

“ҲАМКОРБАНК” АТБ ВА
“АЙИЛ БАНК” ОАЖ ПУЛ
ЎТКАЗМАЛАРИ БЎЙИЧА
КЕЛИШУВ ИМЗОЛАДИ

Қирғизистон Республикаси Ош шаҳрида “Ҳамкорбанк” ва “Айил банк” вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашув давомида “Bereke” пул ўтказмалари тизими бўйича ҳамкорлик битими имзоланди. Мазкур битим натижасида “Bereke” пул ўтказмалари тизими Ўзбекистонда жорий этилиб, “Ҳамкорбанк”нинг республика миқёсидаги 42 филиал ва мини-банклари ушбу хизматни мижозларга тақдим этадилар.

Эслатиб ўтаемиз, “Bereke” пул ўтказмалари — Қирғизистон бўйлаб тезкор пул ўтказмалари тизими бўлиб, юқоридаги битим имзолангач, у халқаро тизимга айланди.

“ТРАСТБАНК” ХАЛҚАРО
АЛОҚАЛАРНИ
КЕНГАЙТИРМОҚДА

“Трастбанк” мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Хитой ва Қозоғистон банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатди. Амалга оширилган ишлар давомида “Yinzhou Bank” да АҚШ доллари ва еврода, “Xalyk Bank” да эса АҚШ долларида вакиллик ҳисобрақамлари очилди.



Банклар билан ўрнатилган алоқалар “Трастбанк” мижозларига хизмат кўрсатиш даражасини оширади ҳамда Хитой ва Қозоғистондаги ҳамкорлари билан ташқи савдо шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни тезкор равишда йўлга қўйиш имконини беради.

Шунингдек, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Америка Қўшма Штатларида фаолият юритувчи “Guzman&Company” компанияси билан ҳам музокара олиб борди. Унда шу компания Бошқаруви директори — банк операциялари, инвестиция ва капитал бозорлари раҳбари Руслан Магдеев ҳамда “Трастбанк” Бошқаруви раиси ўринбосари Комил Габбазов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Guzman&Company” компаниясининг шўъба корхонасини очиш имкониятларини муҳокама қилишди. Бундан ташқари, резидент инвесторларга халқаро капитал бозорига чиқиш, инвестиция киритиш ва “Трастбанк” томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилишда компания иштирокининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

2019-2021 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

– Амалга оширилган ислохотлар орасида энг асосийси – бу очқиклиқ сиёсатидир. Биз ҳозир барча маълумотларни очиқ-ойдин чоп этаёмиз – давлат қарзини ҳам, қазиб олинган олтин миқдорию бюджетни ҳам. Солиқ тўловчиларимиз олдида барча маълумотларни очиқ бердик. Халқ ўз маблағлари қаерга ишлатилаётганини билиши керак, — деди Ж.Қўчқоров.

Шу билан бирга, молия вазирлиги иқтисодни замонавийлаштириш бир қатор оммабоп бўлмаган ислохотларни амалга оширишни ҳам талаб қилиши мумкинлигини таъкидлади:

– Бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатлар ушбу мураккаб босқичдан ўтишлари шарт. Шуниси қувонарлики, фуқароларимиз мамлакатдаги ушбу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашмоқда. Биз, улар мамлакатда ўтказилаётган оммабоп бўлмаган, лекин жуда муҳим ислохотларни ҳам тўғри тушунишяпти, деб умид қиламиз.

Тадбирда маълум қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия вазирлиги ва Жаҳон банкининг ишчи гуруҳи биргаликда таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш мақсадида бешта асосий йўналишни ўз ичига олган "ислохотлар йўл харитаси"ни ишлаб чиққан.

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев ва Жаҳон банкининг собиқ вице-президенти, Жорж Вашингтон университети профессори Дэни Лейцигер йўл харитаси мазкур йўл харитаси тақдироти билан таништиришди.

Биринчи, тегишли институтларни мустахкамлаш, модернизация қилинган солиқ-бюджет сиёсати ва солиқ



ислохотлари натижасида ҳосил бўладиган макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш. Хусусан, макроиқтисодий маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш тизимини ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, ички ва ташқи қарзларни бошқариш, давлат харажатларининг самарадорлиги ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Иккинчи, рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг тезлашиши. Ер ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молия бозорларини ислох қилиш масалалари қараб чиқилмоқда. Савдо сиёсати ва экспортни янада либераллаштириш, авиация секторини ислох қилиш ва АКТ соҳасини ривожлантириш жаҳон иқтисодиётига бириктириш жадаллаштиришнинг келгуси чора-тадбирлари сифатида кўрилды. Хусусий сектор фаолиятидаги чекловларни олиб ташлаш, рақобатбардош бизнес муҳитини мустахкамлаш, инвестицион муҳит ва монополияга қарши тартибга солиш ишлари давом эттирилади. Қишлоқ хўжалигини, сув таъминоти ва энергия манбаларини ривож-

лантириш, шу жумладан, қайта тикланадиган энергетика соҳасини ривожлантириш стратегиялари индивидуал саноатларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Учинчи, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга хизмат кўрсатишни кучайтириш. Таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ҳамда меҳнат бозори, пенсия ва суд тизимини ислох қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Тўртинчи, кучли бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини кучайтириш. Уни ишлаб чиқариш жараёнининг бевосита иштирокчисидан, давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш, давлат улушига эга корхоналарни ислох қилиш ҳамда товар ва хизматлар нархларининг иккиламчи тартибининг бартараф этиши билан шугулланувчи хусусий сектор ҳамкори кўринишига алмаштириш режалаштирилмоқда. Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш давлат хизматларини ислох қилиш концепциясини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Жамоатчилик хабардорлигини ошириш учун фуқароларнинг замонавийлаштириш жараёнида иштирокини таъминлаш бўйича чоралар кўрилади.

Бешинчи, атроф-муҳитдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Уни ҳимоя қилиш учун "йўл харитаси"ни, сувни тежаш дастурини, суғориш ва мелиорация тизимини ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, анжуманда таъкидландики, қисқа вақт ичида иқтисодий соҳада кўп муваффақиятларга эри-



шилганига қарамай, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ишчи ўринларини яратишда ҳануз сезиларли қийинчиликларга дуч келинмоқда. Хусусан, давлат томонидан нархларни тартибга солиш бўйича кейинги ислохотларни амалга ошириш, давлат корхоналари ва молиявий сектор иш фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш олдинда турган муҳим вазифалардан биридир. Ислохотларнинг йўл харитаси мана шу вазифаларни ҳал қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

– Жаҳон банки ишчи гуруҳи Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг мураккаб босқичида ҳукуматингиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилади, — дейди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича худудий директори Лилия Бурунчук ўз сўзида. — Биз мамлакат фуқароларининг фаровонлигини оширишга қаратилган расмийларнинг саяёҳаракатларини қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Муҳтасар айтганда, мазкур тадбир Ўзбекистон ва халқро ташиқлотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустахкамлашга, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга хизмат қилади.

Г. МАЛИКОВА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши, фаол меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиш Конституцияимизнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Унда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши, дам олиши, қариганда, меҳнат лавқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, билим олиши ва бошқа бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган.

Тадбирда Конституция ижтимоий ҳимоянинг муҳим пойдевори экани эътироф этилди. Шу аснода кейинги йилларда жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланмиш оила, айниқса, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоялаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Оиладаги вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳуқуқларидан то кексалар, ноғиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифадаги фуқароларнинг муҳофазасига доир нормалар ҳам Конституцияимизда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигини кенг нишонлашга бағишланган тадбирларда кўмита аъзолари фаол қатнашиб, аҳоли орасида унинг аҳамияти, халқимизга берган кенг имкониятлари ҳақида тарғибот ишларини кучайтириши лозимлиги айтилди.

ЎЗА

Бугунги кунда мамлакатимизда халқро молия институтлари, хусусий сектор ва илм аҳли билан ҳамкорликда давлат молиясини бошқариш тизимини ислох қилиш, айниқса давлат маблағларидан унумли фойдаланиш ва унинг назоратини жаҳон стандартлари талабларига мос равишда йўлга қўйиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу чора-тадбирлардан бири сифатида Осиё тараққиёт банкнинг эксперти Дэвид Соьер билан Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳодимлар ўртасида ички аудит ва молиявий назоратни тартибга солиш мақсадида "Ички аудитни давлат бошқаруви амалиётига тадбиқ этиш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда хоржий мамлакатларнинг ички аудит соҳасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ички аудит соҳасидаги халқро стан-

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ



дартлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат молиявий назорати тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаб ва принципларидан келиб чиқиб, бюджет маблағлари сарфланишидаги турли хатарлар ва суистеъмолчиликларни олдини олиш, назорат функциясини такомиллаштириш юзасидан фикрлар билдирилиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

finance.uz

КРЕДИТЛАРНИНГ БИЗНЕС РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Юртимизда бизнес фаолияти-ни бошлаш истагида бўлган кишилар ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга қўшимча имтиёз ва енгилликлар тақдим этилаётир. Натижада аҳолида тадбиркорлик бўлган иштиёқ кун сайин ошмоқда. Бу жараёнда тижорат банклари фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ишончини қозониш, уларга кўмакдош бўлишга интилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикаимизда фаолият кўрсатётган молия муассасалари қаторида "Ўзмиллийбанк" Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳам одамларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. 2018 йилнинг ўтган даврида унинг бўлим ва филиаллари томонидан тадбиркорларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун 2 трлн. 192 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани бунинг яққол далилидир.

Ушбу сармояларнинг 1 трлн. 490,4 млрд. сўми sanoat, 701,6 млрд. сўми esa хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди. Натижада кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари очилди. Жумладан, "Prestone" масъулияти чекланган жамиятида тадбиркорнинг ўз маблағларидан ташқари, банкнинг 600 минг АҚШ долларлик молиявий кўмаги билан курилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилгач, 20 та иш ўрни яратилди.

"Chinoz Textile" масъулияти чекланган жамиятининг умумий қиймати 8,35 млн.

АҚШ долларлик лойиҳаси ижросида молиявий кўмакка эҳтиёж сезилди. Шу пайтда банкнинг Яшнобод филиалидан 2,3 млн. АҚШ долларлик кредит ажрати-либ унинг мушқули осонгина ҳал этилди. Натижада тадбиркор импорт ўринни босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни кунда корхонанинг 25 кишилик жамоаси томонидан тайёрланаётган либосларга ички бозорда талаб катта.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда ички бозоримизда нотўқима матолар асосида тайёрланган маҳсулотларга эҳтиёж ортмоқда. Аммо унинг салмоқли қисми импорт эвазига таъминланаётир. Айни шу жиҳат "Garbus Trade" корхонаси раҳбариятини янги ташаббусга ундади. Яъни, улар номато материаллардан кавролан ва гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб мақсадида бизнес лойиҳа тайёрладилар. Умумий қиймати 1,4 млрд. сўмлик мазкур лойиҳа учун тадбиркорнинг ўз маблағидан ташқари, банкнинг Шайхонтоҳур филиали томонидан 1,0 млрд. сўмлик кредит ҳам йўналтирилди. Натижада 25 та доимий иш ўрни очилиб, ички бозорга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб берила бошланди.

Банк мижозлари фаолиятдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, тижорат банкларининг асосий вазифаси ҳам қўлай ишбилармонлик мухитини яратиш, оддий аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, мижозларга замонавий банк хизматлари ва зарур молиявий кўмак кўрсатишдан иборатдир. Бу йўлда "Ўзмиллийбанк"нинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси оғишмай илдамлаб бормоқда.

БАНК ХОДИМЛАРИ "АҚЛ ЖАНГИ"ДА БЕЛЛАШДИ

Жорий йилнинг 2-3 декабрь кунлари "Микрокредитбанк" АТБ ходимлари ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақа ўтказилди. Мазкур турнирда банкнинг Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоят филиалларидан жамоалар иштирок этди.



Мусобақа 7 турдан иборат швейцарча тизимда ўтказилиб, унда электрон соатлардан фойдаланилган ҳолда ҳар бир иштирокчиға уйин охирига қадар 15 дақиқадан вақт берилди.

Таъкидлаш жоизки, "ақл жанги" дея ном олган мазкур спорт турига банк ходимларида қизиқиш катта экани мусобақа давомида маълум бўлди. Шу боис турнирда уйинлар бир-бирдан қизгин кечди. Энг

муҳими ходимларда спортга ҳамоҳанглик, ҳамкасблар ўртасида ўзаро ҳамкорлик руҳи мустаҳкамланди. Бу эса тизимда ижобий муҳит шаклланишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, 7 тур давомида кескин ва муросасиз кечган баҳсларда тўпланган очколар натижасига кўра:

Банкнинг республика аппарати жамоаси – 1-ўрин;

Банкнинг Жиззах вилоят филиали жамоаси – 2-ўрин;

Банкнинг Сурхондарё вилоят филиали жамоаси – 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Шунингдек, мусобақанинг яққалик баҳсларида:

Банкнинг Чакана банк хизматлари кўрсатиш департаменти бўлим бошлиғи Отабек Мардиев – 1-ўрин;

Банкнинг Бухоро минтақавий филиали мониторинг бўлими бош мутахассиси Нодир Акрамов – 2-ўрин;

Банкнинг Сурхондарё вилоят Қумқўрғон филиали Шўрчи мини-банки бош мутахассиси Абдусаттор Турдиев – 3-ўринга лойиқ кўрилди.


Ғолибларга банк раҳбарияти томонидан кубок, медаллар ва есадилик совғалари топширилди.

М. ПҮЛАТОВА



FINANCEUZ хабар қилади

ХИВАДА КУНУ ТУН ИШЛОВЧИ БАНКОМАТЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА



Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотиға кўра, Хивада Ичан қалъа худудида кечаю кундуз ишлайдиган банкоматлар ўрнатилиши бошланди. 2019 йилнинг январь ойи сўнгига қадар шаҳарда 28 та қўшимча банкомат ишга тушади. Улар орқали миллий ёки чет эл валютасини ечиб олиш мумкин.

Банкоматлар Visa, Mastercard, American Express, China Union Pay халқаро тўлов тизими банк карталарини қабул қилади.

Улар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда Хива шаҳри ва Хоразм вилояти сайёҳлик салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан ўрнатилмоқда.

"ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИНГИЗ БИЛАН КЎПРОҚ ОЛИНГ" АКЦИЯСИ

"MoneyGram" пул ўтказмалари тизими орқали хизматлар кўрсатадиган "Ипотека-банк" АТБнинг барча филиаллари ва мини-банклари ўртасида ўтказилаётган ушбу акцияда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Акцияда иштирок этиш учун "MoneyGram" пул ўтказмалари тизими бўйича беш марта хизмат кўрсатилган, акция давомида, яъни 2018 йил 1 декабрдан 2019 йил 1 февралгача эса пул ўтказмаларини юборган ёки қабул қилган бўлиши керак. Унда иштирок этиш учун "Ипотека-банк" АТБ хизмат кўрсатиш шохобчаларида пул ўтказмалари қабул қилинганлиги ёки жўнатилганлигини тасдиқловчи бланкларни тақдим этиб, совға сертификатига эга бўлиш мумкин.

"ЎЗМИЛЛИЙБАНК"ДАН 8%ЛИ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ

"Ўзмиллийбанк" аҳолимиз учун махсус Янги йил совғасини ҳозирлади. Банк томонидан пойтахтимиз "Медиопарк"ларидаги Артель компаниясининг бутун маиший техникаси учун истеъмол кредитлари берилмоқда.

Йиллик 8%ли мазкур кредитнинг биринчи тўлови 0% бўлиб, 12 ой муддатга берилади. Совғасига суғурта ҳам бор.

Кредитни "Медиопарк"нинг ўзида расмийлаштириш имконияти эса фуқароларимиз учун янада қўлайдир. Асосийси, ёнингизда паспорт ва иш жойидан даромадлар ҳақидаги маълумотнома бўлса, етарли. Шошилинг, кредитлар сони чегараланган!

OFB VA CONTACTDAN БАЙРАМОНА АКЦИЯ

Ҳадемай Янги йил эшик қоқади. Ўз мижозларини байрамона кайфиятда қарши олишни истаган "Orient Finans Bank" улар учун 100 та кенг сиғимли замонавий рюкзакларни тайёрлаб қўйган. Акция шартларини бажарган иштирокчилар мана шундай ажойиб совғага эга бўлишлари мумкин.

Бунинг учун 1-31 декабрь оралиғида банк филиалларида CONTACT тизими орқали 2 ва ундан ортқ ўтказмаларни амалга ошириш лозим. Ҳар бир ўтказма 300 АҚШ доллари ёки 20 минг Россия рубли (бошқа валютада шу сумма эквиваленти) миқдоридан бўлиши керак.

Совринни олиш учун эса 2019 йилнинг 31 январигача банк бош офисига ўтказмани тасдиқловчи иккита тўлов қозонини олиб бориш кифоя қилади.

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлар учун ҳар бир йил таваккалчиликларга бой. Албатта, бу ажабланарли ҳолат эмас. Зеро, экинларнинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатли етиштирилиши нафақат инсон омили, балки табиат инжиқликларини об-ҳаво таъсирига ҳам бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги йўналишини суғурталаш бугунги куннинг энг талабгор суғурта турларидан биридир.

ҲОСИЛ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА 9,2 МЛРД. СЎМ СУҒУРТА ТОВОНИ ТЎЛАНДИ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва суғурталашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда ғалла ва пахта ҳосилини суғурталаш бўйича суғурта тарифлари камайтирилиб, суғурта шартномаси шартлари соддалаштирилди.



Шунингдек, пахта ва ғалла экинлари ҳосилидан ташқари, республикамиз шароитида синов тариқасида экилган қалампир экинни ҳосилини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш бўйича янги суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойлик яқунларига кўра, фермер хўжаликлари билан деҳқончилик экинлари ҳосили суғуртаси бўйича 30 782 та шартнома тузилиб, 1017,2 млрд. сўмлик суғурта мажбурияти олинди, 9,2 млрд. сўм суғурта товони тўлаб берилди. Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан пахта ва ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратиладиган имтиёзли кредит маблағлари қайтарилмаслиги ҳусусидаги тадбиркорлик хавфини суғурталаш бўйича 456 та суғурта шартномалари расмийлаштирилди ҳамда 3,6 млрд. сўмлик жавобгарлик олинди ва 9 млрд. сўм суғурта товони тўлаб берилди.

Шунингдек, тармоқ корхоналарига лизингга берилган техникаларни суғурталаш бўйича 250 та шартнома имзоланди. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан бугунги кунда нафақат аграр соҳа йўналишида, балки бошқа йўналишларда ҳам 100 дан ортиқ турлар бўйича суғурта хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Компания томонидан жорий этилаётган имтиёзлар, ишлаб чиқилаётган янги суғурта турлари, янгиликлар — барчаси юртимиз аҳолисига сифатли суғурта хизматларини кўрсатишга қаратилган.

Адиба ЭРГАШЕВА,
“Ўзагросуғурта” АЖ
Ахборот хизмати мутахассиси

СУҒУРТА БОЗОРИДА ИЛҒОР “КАФОЛАТ”

Мана, 20 йилдирки, “Кафолат суғурта компанияси” АЖ аҳолига ҳамёнбоп ва сифатли суғурта хизматларини тақдим этишда давом этиб келаёттир. Шу йиллар мобайнида компания бир дам изланишдан, тизимни янгиликлар билан бойитишдан тўхтагани йўқ. Айни кунларда ҳам ўзгаришлар катта.



Тизимдаги янгиликлар ҳақида компаниянинг бошқарув биносида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 9 октябрда қабул қилинган “Кафолат суғурта компанияси” АЖ фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорнинг бажарилиш ҳолати” мавзусидаги матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланишича, жорий этилаётган янги хизмат тури — онкологик касалликлар суғурта полиси орқали касалликка чалиниши мумкин бўлган беморларга ҳам моддий, ҳам амалий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Яъни беморларнинг даволаниш курсларидан тортиб, хорижда операция қилдириш жараёнига кетадиган харажатлар тўлиқ компания томонидан қoplanади. Аммо онкологик касалликка чалинган беморлар бу тур суғуртадан фойдалана олмайдилар, боиси талабга кўра, жорий этиладиган суғурта турида бирор хатар бўлиши керак, яъни суғурта қилдирувчиларда бу хасталик ҳали аниқланмасдан олдин суғурталанган бўлиши шарт. Ҳозирча мазкур хизматдан юридик шахслар фойдаланишлари мумкин, холос.

Янгиликлардан яна бири — суғурта агентлари учун янги шаклдаги хизмат гувоҳномаларининг жорий этилганидир. Бу ҳақда компаниянинг Ҳудудларни ривожлантириш департаменти бош менежери Зафар Алимов шундай дейди:

— Ушбу хизмат гувоҳномаларининг қулайлиги шундаки, улар замонавий тўлов тизимлари билан боғланган ҳолда ишлайди. Яъни унда суғурта агенти хизмат гувоҳномаси ва унинг шахсини QR код орқали аниқлаш, Андроид телефондан QR код орқали, рақамли телефондан эса Click USSD кодлари орқали тўлов қилиши мумкин. Бу эса мижозларга тўловларни амал-

га оширишда банк кассаларига бормасдан, оворагарчиликсиз суғурта полисларига эга бўлиш имкониятини яратмоқда.

Кўпчилик суғурта қопламасини олиш жараёнида талаб этиладиган ҳужжатбозлиги, югур-югурларни хушламайди. Бироқ жорий йилнинг 24 апрелида “Кафолат суғурта компанияси” АЖ таъсислигида ташкил этилган “My assist” МЧЖ юрдошларимизнинг бу мушқулини осон қилди. Тиббий, техник ҳамда юридик ассистант хизматларини кўрсатувчи ушбу жамият исталган вақтда суғурта воқеаси содир бўлган жойга чиқиб, зарур ҳолларда тез ёрдам ва бошқа тиббий хизматларни ташкиллаштириши, йўл тўқнашув ҳолисаси содир бўлганда эса ҳолатни ўрганиб, зарар миқдорини аниқлаши ва ҳатто шикастланган автоловни таъмир устaxonасигача етказиб бериши мумкин. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида мазкур МЧЖ ихтиёрий тиббий суғурта бўйича 1686 та мурожаатни қабул қилиб, 191,8 млн. сўмлик хизмат кўрсатган.

“Кафолат суғурта компанияси” АЖ таъсислигида бевосита ҳаёти суғурта қилиш билан шуғулланувчи “Кафолат Ҳаёт” МЧЖ суғурта компаниясининг ташкил этилгани эса янада қувонарли янгилик бўлди. Мазкур МЧЖнинг асосий хизмат тури жисмоний шахсларнинг ҳаётини узоқ муддатга суғурта қилиш бўлиб, суғурта ҳимоясидан 367 кундан 20 йилгача, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролар фойдаланишлари мумкин. Унинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, суғурта қилдирувчилар мазкур суғурта маҳсулотини олиб, суғурта ҳимояси остида бўлишлари ва суғурта муддати тугагач, тўпланган пул маблағларини ҳисобланган бонус билан қайтариб олиш имкониятига эгалар. Шунингдек, ушбу жараёнда давлатимиз томонидан берилган солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Г. ТУРСУНПҮЛОВА

КРЕДИТ АЖРАТИЛИШИДА ҚОНУН БУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустақкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк тизимида кредит ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда асосий манба ҳисобланади. Бўш маблағларни жалб қилиб, уларни кредит сифатида тадбиркор ва инвесторларга тақдим этадиган тижорат банклари иқтисодий жараёнларда муҳим ўрин тутadi.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Медиа марказида Марказий банк, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ҳамда тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида Иқтисодий вазирининг биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев банк тизимида амалга оширилаётган ишлар ва муаммолар ҳусусида гапирди.

— Энг аввало, кредит бериш тартибини қайта кўриб чиқиш лозим ва инфляция юқори бўлаётган ҳозирги вақтда тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак бериш зарур, — дейди М.Мирзаев. — 2019 йилда қисқа фурсатга бериладиган, аммо фоизи ка-

майтирилган кредитлар ишлаб чиқиш режалаштирилган. Кредит тўлашга лаёқати бўлган ҳар бир мижозга, албатта, ҳар хил турдаги кредитлар муаммосиз ажратилади.

Йиғилишда банк тизимида ижобий натижалар билан бирга қатор муаммолар борлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига қадар, мижозлар учун кредит ажратилишида банк ходимлари томонидан 2 минг 300 дан ортиқ қонун бузилишлари аниқланиб, бартараф этилган.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар йиғилиш иштирокчиларининг саволларига атрофлича жавоб беришди.

ЎЗА

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ўз мижозлари учун қулайлик яратишда давом этади.

Эндиликда банкнинг корпоратив пластик карточкасига эга бўлган мижозлар “Internet-banking”, “Mobile-banking” каби масофадан хизмат кўрсатиш дастурлари орқали ўз корпоратив карточкалари ҳисобварағига куннинг исталган вақтида, банкка бормасдан ва ортиқча ҳужжатлар тақдим этмасдан пул ўтказишлари мумкин.

Мижозлар шанба, якшанба — дам олиш кунларида ҳам бу хизматдан фойдаланиш имкониятига эгалар.

finance.uz

“MADE IN UZBEKISTAN”



ДУНЁ КЕЗМОҚДА!



Бугун юртимиз бозорлари миллий маҳсулотлар билан бойиб, сифат ва нарх жиҳатидан импорт товарлар билан бемалол рақобатлашяпти. Ҳатто, “Made in Uzbekistan” ёрлиги остидаги маҳсулот дунё кезиб, хориж бозорларини ҳам забт этмоқда. Албатта, бу ютуқлар замирида ҳукуматимизнинг тадбиркору ишбилармонларга яратиб бераётган имтиёз ва шароитларнинг ўрни беқиёс.

27–30 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” МКМда ташкил этилган “Made in Uzbekistan” I Халқаро экспорт кўргазма-ярмаркаси ҳам ана шу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Кўргазмада 150 дан ортиқ маҳаллий корхоналар томонидан тўқимачилик чарм-пойабзал маҳсулотлари, гиламлар, мева-сабзавотлар, электротехника ва кабел маҳсулотлари, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси, металлургия, нефть-кимё ва бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар намойиш этилди.

Тумонат одам йиғилган кўргазмада пештоқига “Sam Negin” МЧЖ дея ёзилган, бир-бирдан чиройли гиламлар, турли материаллар билан безатилган майдонча эътиборимизни тортди. Қизиқсиниб, компания менежери Фаррух Ахмеджоновни суҳбатга тортдик:

– Ҳукуматимиз 2003 йилдан бери Самарқанд ЭИЗ ҳудудида “SN GROUP” савдо белгиси остида фаолият юритиб келади. Даставвал гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсак, бугунги кунга келиб маҳсулотларимиз турини ўндан оширдик.

Замонавий ортопедияда қўлланиладиган сифатли оёқ кийим па-

таклари, синтепон, йўл ва туннельлар қурилишида фойдаланилувчи геотекстиль маҳсулоти ҳамда экологик тоза ва сифатли флизелин каби товарларни ишлаб чиқаряпмиз. Айтиш кунда маҳсулотларимиз ички ва ташқи бозорда ҳам харидордир. Кўргазмада “Меховая мода” ОКнинг Қорақўл терилари ва ундан тайёрланган пальто ҳамда яримпальто маҳсулотлари барчанинг эътиборини тортди.

– Корхонамиз 2007 йилдан буён фаолият юритиб келади. Шу йиллар мобайнида корхона Россия, Озарбайжон, Туркия ва Хитой давлатларига тери маҳсулотларини экспорт қилиш билан бирга уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар чиқармоқда, – дейди корхона иш юритувчиси Мирхон Орзиев. – Қорақўл териларидан тайёрланган кийимларимиз ҳам маҳаллий, ҳам хорижий мижозларни ўзига жалб этаётир. Йиллик экспортимизнинг ўзи 200–250 минг АҚШ долларига тенглиги ҳам маҳсулотларимизнинг харидордир эканидан далолат.

Айтиш кунда республикамизнинг туризм ривожланган ҳудудлари, хусусан, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида маҳсулотларимиз яхши сотилмоқда. Чунки сайёҳлар учун табиий маҳсулотларимиз қизиқ. Ҳатто, бир неча бор хорижий меҳмонлар ишлаб чиқариш цехларида ҳам бўлишди.

Суҳбатдошимиздан бир пальтонинг яратилиш жараёни ҳақида сўрадик. У биргина пальтонинг “дунёга келиши” учун 22–24 та кўйнинг баҳридан ўтиш кераклигини айтди. Шунинг учун ҳам қорақўл пальтолари нархи арзон эмас, ички бозорда 2–5 миллион сўмдан камига сотилмайди. Бироқ тадбиркоримизнинг ишонч билан айтишича, ушбу пальтолар бемалол 15 йил хизмат қилади.

Албатта, бундай йирик кор-

хонани янада гуллаб-яшнатиш учун анчагина маблағ керак. Мирхон Орзиев ҳам яқинда АТ “Халқ банки”дан бир ярим йилга 9%ли 1 миллиард сўм кредит олди. Мазкур маблағлар эвазига ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини янада кенгайтириш ниятида. Эндиги мақсади — қорақўл пўстинлари билан нафақат ўзбек бозори, балки хориж бозорларини ҳам забт этиш.

Кўргазма майдончасидан йироқлашар эканмиз, топаётган пули меҳнати каби ҳалол тадбиркорларимиз саффи кенглигига борган сари амин бўлдик. Чунки бўсағада бизни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганига ҳали кўп бўлмаган, лекин қисқа фурсатда катта муваффақиятларга эришган “ALVIERO” компанияси вакиллари кутарди. Мазкур компания ички ва ташқи бозорга ўзининг “PALMERA”, “OLIVIA”, “CHARMELLE”, “PINOKKIO” ҳамда “GREENWORK” савдо белгилари билан танилиб улгурган. 130 нафар ишчисига эга компания ўндан ортиқ — суяқ ва қаттиқ совун, турли хилдаги кремлар, идиш ва кир ювиш воситалари каби маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

Заводда катта ҳажмда маҳсулот тайёрланади, жумладан, бир соатда 1800 литр, бир йилда 15 500 000 литр ювиш воситаларининг ишлаб чиқарилиши сўзимизнинг исботидир.

Бугун ушбу компания маҳсулотларининг бозорда ўз ўрнини топаётганига асосий сабаблардан бири сифат кўрсаткичининг юқорилиги ва нархларнинг ҳамёнбонлигидир.

– Келгуси йилдан нафақат ўз бозоримиз, балки чет эл бозорларига янада тезроқ кириб бориш мақсадида маҳсулотларимиз турини янада кўпайтирмоқчимиз, – дейди компаниянинг экспорт бўйича мутахассиси Саидолим Шарипов. — Ҳозирги кунда

икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз ва маҳсулотларимизнинг каттагина қисмини уларга экспорт қиламиз.

Бундан бир неча йиллар илгари оврўпаликлар атир совун ишлатиб юрган кезлари, кири учун ҳам, ювиниши учун ҳам хўжалик совунидан ўзгасини тополмаган миллатдошларимизнинг аҳволи бугун тушга ўхшайди, гўё. Сабаби, энг чекка қишлоқ, овулларимизга қадар ўзимизнинг атторлик маҳсулотлари етиб борди. Ҳай-ҳай демаса, ҳиди, сифати жиҳатидан “Пориж”ниқидан қолишмайди...

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган “Турон” унлари, “Сфад” печеньелари, Фарғонадаги “Effective mechanism” МЧЖнинг қуруқ мева маҳсулотлари ҳамда меваларни курийтиб беришга мўлжалланган ускуналари, Олмаликдаги “Курама-Восток” хусусий ташкилотининг махсус кийимлари ҳам ана шундай мақтовга арзирли маҳсулотлардир. Бойиш, уларнинг фаолияти, ютуқ ва муваффақиятлари ҳам юқоридагилардан кам эмас.

Кўргазмада иштирок этаётган Самарқанд автомобиль заводининг паст полли SAZ LE60 шаҳар автобуси, сиқилган табиий газда ишловчи SAZ HC45 шаҳар автобуси ҳамда ISUZU NPR 82 юк автомобили шассисининг ўзи эса алоҳида бир мақолага жо бўлгулик мавзу.

Лекин шуниси аниқки, мамлакатимизда бизга таниш-нотаниш қанчадан-қанча корхона, завод-фабрикалар бор экан, мамлакатимиз иқтисодиёти ўсишдан асло тўхтамайди. Мустақил Ўзбекистон номи эса “Made in Uzbekistan” ёрлиги остида ҳали дунёларни кезиб, жаҳон бозорларини ишғол этаверади.

Гўзал МАЛИКОВА

ДУНЁГА НИГОХ

КОРЕЯ ФОИЗ СТАВКАСИНИ ОШИРДИ



Корея банки асосий фоиз ставкасини 1,5 фоиздан 1,75 фоизга кўтарди. Мазкур қарор аксарият таҳлилчиларнинг башоратларига мос келди.

Корея Марказий банки ўтган ҳафтада ўз фоиз ставкасини оширган Индонезия ва Филиппин марказий банкларининг изидан бормоқда.

Осиёнинг етакчи банклари фаолиятидаги бу сингари ўхшашлик АҚШ Федерал захирасидаги ўсиш суръатига етиб олиш истаги билан

боғлиқ. Боиси АҚШдаги фоиз ставкасининг кўтарилиши Осиё валюта-ларига босимнинг кучайишига сабаб бўлди ва ҳудудга сармоя кири-тилишини камайтирди.

— Ставка ҳажмининг ошиши ички талабга салбий таъсир кўрсатади, бироқ марказий банклар узоқ истиқболли молиявий барқарорлик йўлида қисқа муддатли харажатларни афзал билди, — дейди Nomura International Ltd. иқтисодчиси Квон Янг-Сун.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида рекорд даражадаги паст фоиз ставкасини (1,25 фоиз) ошириш чоғида Корея МБ раҳбари Ли Ли Жу-йол бир неча бор таъкидлаганидек, молиявий мувозанат бузилиши эҳтимолининг ортиб бориши шундай кескин қарор қабул қилинишига сабаб бўлмоқда. Бироқ иқтисодий ўсишни ушлаб туриш ва инфляция даражасини пасайтиришга уриниш, шунингдек Америка ва Хитой ўртасидаги савдо алоқаларининг сулғашини аввалги фаолиятни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Октябрь ойи якунига кўра, Япония sanoat ишлаб чиқариш ҳажми йилнинг ярим йиллигига нисбатан уч ярим баробарга ўсган. Бу эса жорий йилнинг III чорагида мамлакат иқтисодиётидаги сустрлик ҳолати бартараф этилаётганидан далолатдир.

У вақтда ишлаб чиқаришга табиий офатлар салбий таъсир кўрсатган эди. Аини пайтда айрим кўрсаткичларга алоҳида тўхталадиган бўлсак, мамлакатдаги инфляция даражаси кетма-кет уч ойдан буён 1 фоизлигича қолмоқда, ишсизлик даражаси эса бироз ўсгани маълум. Бундан ташқари, Япония банки нархлар ўсиши тезлашиши ва иш ҳақининг оширилишини кутмоқда.

Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми сентябрь ойига нисбатан 2,9 фоизга орди. Сентябрьдаги кўрсаткич сўнги олти ойдаги энг паст натижа ҳисобланади. Иқтисодчилар ўсиш суръати 1,2 фоиз ташкил қилишини тахмин қилган эди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,2 фоиз ўсди.

Октябрда ишсизлик даражаси 2,4 фоизга етди. Сентябрьда бу кўрсаткич 2,3 фоиз-

ЯПОНИЯ САНОАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОРТМОҚДА



га тенг эди. Бўш иш ўринлари ва номзодлар ўртасидаги мувофиқлик даражаси сентябрда 1,65 фоиз бўлган бўлса, октябрда бу кўрсаткич 1,62 фоизга тушди.

— Эҳтимол, Япония иқтисодиёти асосан табиий офатлар сабаб энг яхши натижаларни ўзида жамламаган бўлиши мумкин, бироқ тез орада ҳаммаи изга тушиб кетиши керак, — дейди Sumitomo Mitsui iAsset Management компаниясининг бош иқтисодчиси Акиеси Такумори.

ДУНЁДАГИ ҒАРОЙИБ БАНКОМАТЛАР

Маълумотга кўра бугунги кунда дунё бўйича банкоматлар сони бир неча миллиондан ошади. Қизиғи шундаки, уларнинг орасида қизиқ нусхадагилари ҳам бор.

Мисол учун, Абу Дабида тилла ёмбиларини берувчи банкомат фаолият юритади. Лондонда эса мижозларга қофияли иборалар кўринишидаги йўриқномани тақлиф этувчи, Исроилда яқинда уйланганлар учун хизмат кўрсатувчи махсус банкоматлар кенг тарқалган.

Нақд пул берувчи илк мўъжизавий қурилмалар бундан 45 йил илгари Лондон шимолидаги Энфилд майдонида пайдо бўлган. Унинг муаллифи шотландиялик Шепард Баррондир. Мазкур банкоматнинг ташқи ва техник кўрсаткичлари ҳозиргидан кўра ибтидий кўринишга эга бўлган. У пайтлари пластик карточкалар ҳам бўлмаган. Пулни олиш учун банкдан олинган махсус ваучерлардан фойдаланилган. Банк ҳисоб рақамларига рухсатсиз киришдан ҳимояланиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Сўнги икки йил мобайнида илк марта ноябрь ойида янги буюртмалар қисқариб кетиши туфайли Хитой ишлаб чиқариш тармоғидаги фаоллик даражаси пасайди.

Аниқроқ айтганда, ноябрь ойида Хитой ишлаб чиқариш тармоғида ишбилармонлик фаоллиги (Purchasing Managers Index, PMI) даражаси октябрдаги 50,2 пунктдан 50 пунктга тушди.

50 пунктга тенг даража бетараф натижа ҳисобланади, яъни фаоллик ўсшини ҳам, пасайишини ҳам билдирмайди.

Reuters томонидан ўтказилган сўровномага кўра, таҳлилчилар бу борадаги кўрсаткич октябр ойидаги билан деярли бир хил бўлишини тахмин қилишган.

Экспорт учун қилинган янги буюртмалар ҳажми олти ойдан буён

Саноат металлари, нефть, қимматбаҳо қоғозлар ва облигациялар АҚШ, Европа, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг фонд индексларида жорий йилда ўсиш суръати салбий бўлиши кутилмоқда.

САВДО ТЎҚНАШУВЛАРИ АКТИВЛАР НАРХИНИ ТУШИРМОҚДА



Ҳатто шу пайтга қадар ҳимояланган активлар деб баҳоланадиган АҚШ давлат облигациялари ва олтин нархлари, гарчи ўтган йил кузда ошган бўлишига қарамай, 11 ой якунига кўра 2017 йилнинг мос даврига нисбатан арзонлашган.

Дунёнинг йирик бошқарувчи компанияларидан бири Black Rock баҳосига кўра, 2018 йил якунига келиб сўнги 25 йил давомида илк бора қимматбаҳо қоғозлар ва облигациялар нархи пасайиши мумкин.

Wall Street Journal нашрида ёзилишича, Deutsche Bank Германия томонидан кузатилаётган 70 турдаги активларнинг 90 фоизи арзонлашди. Шу пайтга қадар аксарият турдаги активларда салбий динамика 1920 йилда кузатилган эди. Ушанда йил якунига кўра 37 турдаги активларнинг нархи 84 фоизга тушиб кетган эди.

Активларнинг чегирма нархда сотилиши ва ҳатто “қучли актив”лардаги аввалги барқарорликка пугур етишининг асосий сабабларидан бири дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатларнинг кескинлашаётганида деб ҳисобланади.

Аксарият компаниялар АҚШ ва Хитой савдо урушининг салбий оқибатларидан азият кўрмоқда. Гарчи Америка иқтисодиёти кўрсаткичига оид 2019 йилги башоратлар яхши бўлганига қарамай, АҚШ иқтисодиётининг “совуқлашиши” кутилмоқда.

Россия ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг бироз ёмонлашиши ҳам активлар нархининг пасайишига сабаб бўлди (хусусан, РФ давлат облигацияларининг нархи пасайди, рубль айирбошлаш курсидаги пасайишлар кузатилди).

Аксарият активлардаги мавҳумлик даражаси кучайишига яна бир сабаб Буюк Британиянинг ЕИ таркибидан чиқиб кетиши билан боғлиқ.

ФТТ монетар сиёсатининг кескинлашиши, шунингдек ЕМБ активлари харид қилиш дастурининг яқунлини кутулаётгани ҳам активлар нархига таъсир кўрсатмоқда.

ХИТОЙДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЎЗГАРДИМИ?



қисқариб бормоқда. Хитойдаги ишлаб чиқарувчиларнинг импорт буюртмалари ҳам камайиши кузатилди. Бу эса ички талабнинг сулғашганини билдиради.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодиёти бўйича АҚШ томонидан бож тўловлари жажоннинг иккинчи мамлакатда яқин истиқболда импульс йўқолиши мумкин. Ишбилармонлик

муҳитидаги бундай ҳолат Пекин томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид янгидан-янги чора-тадбирларни қўллашга олиб келиши мумкин.

Давлат статистика бошқармаси берган маълумотга кўра, III чорада Хитой ЯИМ кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,5 фоиз ўсган. Бу эса 2009 йилдаги минимал ўсиш суръатини эслатади.

Шу пайтга қадар Хитойнинг экспорти нисбатан барқарор ҳолда ривожланиб келаётган эди, бироқ сўнги бир неча ойдирки, буюртмалар ҳажми қисқарган. Шунингдек, АҚШ томонидан бож тўловлари ошириладиган бўлса, экспорт динамикаси кескин даражада ёмонлашиши мумкин.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҚАЙТАРИЛДИ

Жорий йилнинг 29 ноябрь куни Президентимиз “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади.



Эслатиб ўтамиз, 2018 йилнинг 1 апрелигача ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) эркин алмаштириладиган валютага экспорт қиладиган корхоналар экспорт улушига боғлиқ ҳолда фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўловини камайтирилган ставкалар бўйича тўлар эдилар.

Реализациянинг умумий ҳажмида экспорт улуши:

- 15%дан 30%гача бўлса – кўрсатилган солиқлар бўйича белгиланган ставкалар 30%га камайтирилди;

- 30% ва ундан ортиқ бўлса – ставкалар 50%га камайтирилди.

2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ушбу имтиёзлар бекор қилинган эди.

Бироқ экспорт қилувчилар учун ўзгартириш киритилган имтиёзни қайтаришга қарор қилинди. 2019 йил 1 январдан бошлаб товарларни (ишларни, хизматларни), ш.ж. коммиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан

тушган умумий тушумида экспорт улуши 15%дан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан юридик шахслардан олинган фойда солиғи бўйича;

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган қисми юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича камайтирадилар.

Биринчидан, энди имтиёз барча импорт қилувчиларга нисбатан татбиқ этилади. Жорий йилнинг 1 апрелигача бўлганидек, товарлар, ишлар ва хизматларни ўзида ишлаб чиқариш факти аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, савдо ва тайёрлов ташкилотлари ҳам имтиёзга эга бўладилар.

Иккинчидан, энди солиқларнинг ставкаси эмас, солиқ солинадиган база камайтирилмоқда. Содда қилиб айтганда, фойда (фойда солиғи солинганда) ёки ту-

шумнинг (ЯСТ солинганда) бир қисмига солиқ солинмайди. Айнан экспортга тўғри келадиган улуши солиқ солишдан озод қилинади.

Учинчидан, 1 апрелгача бўлганидек, имтиёзни олиш учун юридик шахснинг умумий тушумида экспортнинг белгиланган улуши мавжуд бўлиши керак. У 15%дан ортиқни ташкил этиши лозим. Илгари ставкаларни камайтиришнинг икки босқичли тизими амал қилар эди.

Тўртинчидан, мазкур аниқ имтиёз мол-мулк солиғи, шунингдек, бошқа солиқларга нисбатан қўлланмайди. 1 апрелгача юридик шахсларнинг мол-мулкдан олинган солиқ ставкалари ҳам камайтирилди.

Янгиланган имтиёзларни қўллаш учун яна 2 та махсус шартга амал қилиш лозим:

- товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти фактини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши;

- товарлар экспорт режимида чиқарилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида валюта тушуми таъминланиши.

Ушбу шартлардан бирортасига амал қилинмаган бўлса, тўланмаган маблағлар пеня қўлланган ҳолда Давлат бюджетига ундирилади.

Бу – муҳим! Янги имтиёз рўйхат бўйича хом ашё товарларини экспорт қилишга, шунингдек, халқроқ ташишлар (автотранспортдан ташқари) ҳамда узатиш қувурлари ва газ қувурлари орқали етказиб бериш хизматларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усуллари жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг “Ҳуқуқий ахборот” канали хабар бермоқда.

МАРКИРОВКАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Қарорга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб на товарлар тоифасидан келиб чиқиб, импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарларни ҳимояланган белги ва (ёки) нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалаш босқичма-босқич жорий этилади.

Мажбурий маркировкалаш жорий этилган сандан бошлаб, ушбу қарор билан тасдиқланган рўйхатдаги маркировкалашни мажбурий бўлган товарларни



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маркировкасиз сотиш тақиқланади.


Маркировкалашни мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхатига янгидан қўшилган товарларни, улар рўйхатга киритилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида маркировкасиз сотилишига рўхсат этилади.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ 3,2 БАРАВАР АРЗОНЛАШДИ

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказганлик учун янги давлат божи ставкалари режалаштирилганидан кўра кўпроқ камайтирилди (ВМнинг 27.11.2018 йилдаги 963-сон қарори).

кўмитасининг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини 3 бараварга камайтириш ҳақидаги таклифи маъқулланган эди.

Қабул қилинган ҳужжат билан мазкур таклиф



Эслатиб ўтамиз, илгари Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат рақобат

қонунчиликка узил-кесил татбиқ этилди. Давлат божи миқдори режалаштирилганидан кўра кўпроқ, 32 ЭКИХдан 10 ЭКИХгача ёки 3,2 бараварга камайтирилди. Илгаригидек онлайн рўйхатдан ўтганда ставкалар икки баравар камайтирилди ва атиги 5 ЭКИХни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 954-сон қарори эълон қилинди.

Ижобий хорижий тажрибани, биринчи навбатда, Туркия ва Корея тажрибасини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар бўйича қурилиш ишлари олиб борилади. Жами 2018–2019 йилларда сифими 8–50 номерли 365 та кичик меҳмонхона ва хостелларни қуриш режалаштирилмоқда. Ишлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бир қатор туман ва шаҳарларда амалга оширилади.

ҲУДУДЛАРДА 365 ТА КИЧИК МЕҲМОНХОНА ВА ХОСТЕЛЛАР ҚУРИЛАДИ



Қурилишга хорижий ва маҳаллий инвесторлар – тадбиркорларни жалб қилиш кўзланмоқда. Бунинг учун камида 5 та “жозибатор” ер участкаси ҳар ойда “E-IrgoAukstion”га қўйилади. Бу ҳақда бизнес хабардор қилинади.

Ер ажратиш Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низом қоидаларига

мувофиқ амалга оширилади. Бироқ электрон аукцион истисно тариқасида янада қисқа – электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган барча тартиботлар билан бирга 10 кундан ошмаган муддатда ўтказилади.

Меҳмонхоналар ҳудудига муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиб келиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳамда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Биноларни уларга бевосита улаш эса – инвесторлар ҳисобидан. Қурилишнинг намунавий лойиҳалари инвесторлар – тадбиркорларга бепул асосда берилади.

Инвесторларга амалий ёрдам курсатиш мақсадида Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлар тузилди.

МУТОЛАА

ТАХРИРИЯТДАН:

Ушбу саҳифа Самарқанд вилояти банк ходимларининг таклиф-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда тайёрланди. Ижодий жамоамиз муштариоларнинг адабиётга, мутолаага бўлган қизиқишини қадрлаб, келгусида газета саҳифаларида жаҳон ва ўзбек адабиётининг ёрқин намуналарини бериб боришни режалаштирган.

Таҳририят жамоаси барча газетхонлардан шу каби таклиф ва мулоҳазаларни кутиб қолади. Ҳар бир фикрингиз биз учун қадрли эканини унутманг, азизлар!

БИРЖА ДАЛЛОЛИНИНГ СЕВГИСИ

Питчер – биржа даллоли Гарви Максвеллнинг идорасидаги ишончли клерк (идора ходими)лардан бири. Эрталабки соат тўққиз ярим. Максвелл ёш котиба қиз ҳамроҳлигида идорага кириб келди. Ҳамма уларга ҳайрат ва қизиқиш билан боқарди.

– Салом, Питчер, — деди Максвелл. У ўзининг иш столига шахд билан ўтираркан, дарҳол уни кутиб турган хатлар, телеграммалар денгизига шўнғиди.

Ёш котиба қиз Максвеллнинг идорасида бир йилдан бери ишларди. У унчалик хушсурат ҳам эмасди. Дабдабали соч турмаклари унга ёқмас, на зирак, на билагузук, на медальон тақарди. Унда ҳеч қачон ресторанида кириш хоҳиши бўлмаган, таклиф қилишганда эса кайфияти йўқлигини баҳона қиларди. Оддий, кулранг, нафис кўйлаги унга ярашиб турар, одми, қора шляпаси яшил тўтиқуш пати билан безатилганди. Ўша куни эрталаб кўзлари порлар, юзларига қизиллик югурган, кўринишидан бахтиёр эди.

Уни қизиқиш билан кузатган Питчер қиз ўзини одатдагидан кўра бошқачароқ тутаётганини сездди. Аввал котиба ўзининг хонасига кириш ўрнига ниманидир кутаётгандек идора ичида тимирскиланиб юрди. Атиги бир марта Максвеллнинг иш столига нигоҳ тушадиган даражада яқин келди.

Стул олдида ўтирган Максвелл умуман одамга ўхшамасди. У гилдирак ва пружиналар ёрдамида ҳаракатланувчи, бўғзича банд нью-йорклик даллол-машина эди.

– Хўш, нима гап? — тўсатдан сўради Максвелл. Очқ хатжилдлар столда қор уюмларидек сочилиб ётарди. Унинг ўткир кулранг кўзлари қизга ғазаб билан боқди.

– Ҳеч нарса, — жавоб қайтарди котиба ва энгил табассум билан нари кетди.

– Жаноб Питчер, — деди қиз ишончли клеркка, — жаноб Максвелл кеча янги котиба қизни ишга олиш ҳақида гапирганидми?

– Айтганди, — жавоб берди Питчер, — у янги котиба қиз топишни буюрганди. Бир неча котиба қизларни синов учун бизга жўнатишларини бюрога билдирганим.

Соат ўндан қирқ дақиқа ўтпти-ю, лекин уларнинг бирортасидан дарак йўқ.

– У ҳолда ўрнимга бошқа биров келмагунча ҳар доимгидек ишимни давом эттираман, — деди қиз.

Ўша заҳоти у хонасига

ўтди ва шляпасини ҳар доимги жойига илди.

Кимки бу нью-йорклик даллоли биржада иш қизгин пайтда кўрмаган экан, ўзини антропологидан билимсиз ҳисоблайверсин. Бу даллолнинг нафақат ҳар бир соати, балки дақиқа ва сонияси банд қилинганди.

Бугун ҳам Гарви Максвелл учун қизгин иш куни эди. Телеграф аппаратининг лентаси силтаниб айланар, столдаги телефон сурункали кўнгираклардан чарчаганди. Мижозлар идорага тўда-тўда бўлиб киришар, кимдир кувнок, кимдир аччиқланиб, яна кимдир эса ҳаяжонланиб Максвелл билан тўсиқ орқали гаплашишарди. Почтачилар эшикдан шошганча кириб-чиқишарди. Клерклар тўфон вақтидаги матрослар сингари елиб-югуришар, Питчер ҳам ғайрат билан ишларди.

Шу куни биржада тўфон, кўчки, бўрон, зилзилалар юз берди, вулконлар отилди. Барча офатлар мана шу кичиккина идорада рўй берди. Максвелл ступини деворга суяб қўйди ва тик турганча мижозлар билан ишлай бошлади. У гўё маҳоратли масхарабоздек телеграфдан телефонга, иш столидан эшикка бориб келарди.

Вақт тобора тигизлашиб бораётган бир пайтда Максвеллнинг кўзи кутилмаганда туюқш патли шляпадаги, юзини духоба тўр билан тўсиб олган, олтин тусдаги гажак сочли, кундуз мўйнали пальто кийган, ку-

муш юракча билан тугалланувчи шода-шода маржон таққан қизга тушди. Қиз кибрли кўринди. Буни изоҳлашга Питчер тайёр бўлиб турганди.

– Стенографистлар бюросидан, иш ўрни масаласи бўйича, — деди Питчер.

Максуелл ярим ўгирилиб қаради; унинг кўллари қоғоз ва телеграф ленталари билан банд эди.

– Кимнинг ўрнига? — қошларини чимириб сўради у.

– Ўзимизнинг котиба қиз ўрнига, — деди Питчер. — Ўзингиз кеча янги котиба чақиримини сўраганингиз.

– Сиз ақлдан озисиз, Питчер, — деди Максвелл. — Қандай қилиб сизга бундай буйруқ беришим мумкин? Мисс Лесли бир йилдан бери ўз вазифасини аъло даражада бажариб келяпти. Ўзи хоҳламагунча ўрнига одам олмаймиз. Бизда ҳеч қандай бўш ўрин йўқ, хоним. Бюродагиларга айтиб қўйинг, Питчер, бизга бошқа одам юборишмасин, қайтиб олдимга ҳеч кимни етаклаб келманг!

Маржон таққан қиз стулларга туртишиб, жаҳл билан идорани тарк этди. Питчер кулай фурсат топиб ҳисобчига "қария"нинг кундан-кунга паришонхотир бўлиб бораётганини етказди.

Идорада иш қизигандан-қизиди. Биржада Максвеллнинг мижозларига тегишли бўлган йирик турли миқдорда акциялар босиб-янчиларди. Олди-сотди ҳақидаги буйруқлар у ёқдан-бу ёққа қалдирғочдек "учиб юрарди". Максвеллнинг мансаб кўрсиси ҳам омонат эди ва у катта қувватли машинадай бор кучи билан ишларди; унинг сўзлари, қарорлари, ҳаракатлари гўё соат механизмидек тез ва аниқ эди. Акция ва ҳужжатлар, қарз ва фондлар, гаров ва ссудалар – бу молия олами. Унда инсоннинг ҳис-туйғуларига ўрин йўқ эди.

О'Генри



(ҲИКОЯ)

Тушлик вақтига келиб идорада бирозгина сукунат чўкди.

Максуелл кўлларидаги хат ва телеграммалар билан столи олдида келди. У ўнг қулоғига ҳар доимгидек ручкасини қистириб олган, бир тутам хурпайган сочлари пешонасига тушиб турарди. Ойна очиқ эди, чунки у ердан хонага баҳорнинг илқ нафаси уфурарди.

Деразадан хонага сирен гулининг ёқимли ҳиди аңқиди ва даллолни бир зум жойига михлаб қўйди. Негаки, бу ифор мисс Леслига тегишли эди. Бу унга, фақат унгагина тегишли эди.

Қиз – Максвеллнинг ёдига тушди. Биржа олами аҳамиятсиздек бўлиб қолди гўё. Котиба эса кўшни хонада, йигирма қадам нарида эди.

– Қасам ичаманки, мен бу ишни қиламан, — деди ярим овозда даллол. — Ҳозирок ўндан сўрайман. Ҳайронман, нега буни аввалроқ ўйлаб кўрмаган эканман-а.

У котиба қизнинг хонасига отилиб кирди ва унинг столига яқинлашди.

Қиз охиста жилмайди. Унинг ёноқлари қизарган, нигоҳи ҳам мулоим ва самимий эди. Максвелл қизнинг столига тирсақлари билан суянди. Унинг кўлида ҳали ҳам бир даста қоғоз турар, қулоғига ручка қистирилганди.

– Мисс Лесли, — ҳовлиқиб гап бошлади у, — роппа-роса бир дақиқа вақтим бор. Сизга бир нарсани айтишим керак. Менга турмушга чиқинг. Тўғри, шу пайтгача кўнглингизни олишга ҳаракат қилмаганман, лекин сизни чиндан ҳам севаман. Илтимос, тезроқ жавобини айтинг.

– Нималар деяписиз? — ажабланди қиз. У ўрнидан туриб, кўзларини катта-катта очганча Максвеллга қаради.

– Сиз мени тушунмадингиз чоғи? — деди Максвелл. — Менга турмушга чиқишингизни хоҳлайман. Сизни севаман, мисс Лесли. Буни олдинроқ айтмоқчи эдим. Ниҳоят, энди фурсат топдим. Ана, яна мени телефонга чақирингиз. Питчер, айтинг, кутиб туришингиз. Хўш, нима дейсиз, мисс Лесли?

Котиба қиз ўзини жуда ғалати тутди. Аввалига у ҳайратдан донг қотди, кўзларидан ёш куйилди, сўнгра қуёш порлагандек жилмайди ва бир кўли билан даллолнинг буйнидан аста кучоқлади:

– Тушундим, — деди қиз мулоимлик билан. — Бу биржа бутун фикру хаёлингизни эгаллаб олибди. Бошида кўрқиб кетдим. Наҳот, ёдингдан кўтарилган бўлса, Гарви? Биз, ахир кеча кеч соат саккизда мулюшдаги Кичик черковда никоҳдан ўтдик-ку!

Рус тилидан
Саиджалоил САИДМУРОДОВ
таржимаси.

Михаил ЗОШЧЕНКО
ҲАЖВЧИ
(ҲАЖВИЯ)

Яқинда менга телефондан кўнгирак қилишди.

Кимдир мулоим, юмшоқ овозда сўради:

– Ўртоқ Зошченкомисиз?

– Ҳа.

– Гап шундаки, биз кучайтиригич устида тажриба ўтказяпмиз. Бирорта ҳикоянгиздан уч-тўрт сатр ўқиб беришингизни ўтиниб сўраймиз.

Кечиктириб бўлмайдиган

муҳим юмушим бор эди. Уни тўхтатишни ҳечам хоҳламадим. Лекин мэн кўнгирилчан одамман. Каминан, бундан ташқари, ҳар хил янги ихтироларни ҳурмат қиламан.

Телефон гўшагига бир неча сатрни ўқиб бердим.

– Жуда соз, — деди мулоим овоз. — Миннатдорман. Жарангдорлик аъло дара-

жада. Энди эшиттиришимизни тинглаб қуришингизни илтимос қиламиз. Марҳамат, хонанинг бурчагига бориб туринг. Ва қулоқ тутинг.

Гўшаки стол устига қўйдим-да, ўн қадамча юриб тўхтадим. Икки дақиқалар чамаси тентақдай гўдайиб турдим. Кейин қайтиб келдим.

– Қалай?

– Ҳеч нарса эшитмадим.

– Унда беш қадамча юринг ва шу тахлит ўтирингки, қулоғингиз гўшаки билан бир сатҳда бўлсин.

Узоқлашдим ва ўтириб олдим.

– Қалай?

– Худо ҳақки, ҳеч нимани эшитмайман! — дедим жаҳл билан.

– Унда, — деди ҳамсуҳбатим кула-кула, — гўшакини қўйинг ва ётиб ухланг.

Ҳалиги одам яйраб, мириқиб, антикиб хоҳолаб кўларди.

Нимасини айтасиз, чиндан ҳам жуда хунобим қикди. Гўшакини узиб олишимга сал қолди. Қаранг-а, аллақандай

ярамас мени ўн дақиқача лақиллатса-я. Ҳатто ўтиришга ҳам мажбурлади.

Кейин ўзимни босиб олдим. Ҳатто тиржайиб қўйдим. Нима бўпти? Ҳаммаси жойида. Сюзет тайёр, ёзса бўлади. Долзарб мавзу — телефон безорилари ҳақида мўъжазгина ҳажвий ҳикоя қоралаш ҳам мумкин. Мана шу бўлмагур ишда йигирма рублни ҳалол ишлаб олдим.

Ҳар бир бемаънигарчиликнинг тағди ҳикमत бор, деб шуни айтсалар керак-да.

Рус тилидан
Абдувоҳид Умр таржимаси

СТАТИСТИКА

Республика Товар-хомашё биржасида
2018 йил 26 ноябрдан 30 ноябргача бўлган
биржа (ички бозор) маҳсулотларининг котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 12 ПЭТ 1,5л (дона)	34 554	—	0	0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 554	—	0	0%
Автобензин АИ-80	4 348 907	▲	137 476	3,3%
Автобензин АИ-91	6 844 102	▲	560 442	8,9%
Автобензин АИ-95	9 120 000	—	0	0%
Азот-фосфорли калий NPK 10:10:10 (қопда)	1 580 000	—	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	1 751 868	▲	497 702	40%
Аммиак селитра "А" (қадоқланмаган)	1 442 518	▼	-6	0,0%
Аммофос 46:10 (қопда)	3 378 079	▲	782 547	30%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 484 211	▲	622	0,01%
Бетон қорихмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	—	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 018 440	▼	-109 516	-2,7%
Дизель ёқилғиси	8 559 724	▲	386 824	4,7%
Дизель ёқилғиси ЭКО	8 842 953	▲	651 560	8,0%
Сўндирилмаган оҳак 1-нав (қопда)	634 800	▲	33 000	5%
Карбамид "А"(қадоқланмаган)	1 068 220	—	0	0%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 682 900	—	0	0%
Техник керосин	7 343 117	—	0	0,0%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	6 440 352	—	0	0%
Нефть кокси	1 447 780	—	0	0%
Ем аралашмаси	1 233 990	▼	-4 973	-0,4%
Доира 100 ст 3 СП	5 639 846	—	0	0%
Линт 1-нав тип Б (олий класс)	3 323 931	▼	-23 625	-0,7%
Линт 2-нав тип Б (олий класс)	2 843 470	—	0	0%
Лист г.к 16,0x1500x6000 мм 3 сп пс 5	8 350 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	9 538 111	▼	-285 245	-2,9%
Саноат мойи И-50А	6 461 402	▲	270 329	4,4%
Мотор мойи DELCOR GT1 SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	6 398 802	—	0	0%
Рупонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (кв.м)	4 000 000	—	0	0%
Мис ўрамаси	55 507 602	▼	-2 576 278	-4,4%
Бугдой уни, 1-нав	966 613	—	0	0%
Бугдой уни, олий нав	2 613 405	▲	53 449	2,1%
Хўжалик совуни, 70% (дона)	2 287	▼	-421	-15,5%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда)	3 364 934	▲	134 675	4,2%
Полипропилен J-550S	12 483 926	—	0	0%
Полиэтилен F-0120	14 038 039	▼	-1 659 765	-10,6%
Портландцемент ССПЦ М-400 Д20 (қопда)	536 627	▲	2 279	0,4%
Сим 6,3 ст 3	7 659 399	▼	-239 253	-3,0%
Ем учун дон 3-класс	1 925 447	▼	-21 278	-1,1%
Ем учун дон 4-класс	1 983 377	▲	12 965	0,7%
Ем учун дон 5-класс	1 783 569	▲	25 686	1,5%
Шакар (импорт)	4 500 000	▲	150 000	3%
Суюлтирилган газ	5 157 502	▼	-377 281	-6,8%
Мойли солидол смазка	13 000 000	—	0	0,0%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	1 951 047	▼	-2 719	-0,1%
Техник туз	250 000	—	0	0,0%
Алюминий қотишмалари АК7	14 545 564	▼	-21 380	-0,1%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 620 834	—	0	0%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 850 000	—	0	0%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	20 670	▼	-335	-1,6%
Шиша банка 3 л (дона)	2 295	▼	-22	-0,9%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	990 992	▲	224 384	29%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 572 488	—	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	802 400	—	0	0%
Труба 114x4 (метр)	86 254	▼	-6	0%
Пўлат квадрат труба 125x125–4,0 мм (метр)	119 995	—	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	6 000 000	▼	-4 461	-0,1%
Кўмир СССШ-13	372 595	▼	-53 980	-12,7%
Швеллер 12	8 890 000	—	0	0%
Пахта чигити шелухаси	1 629 124	▲	97 951	6,4%
Шифер 8 тўлқинли	36 000	▲	4 974	16,0%
Шрот (қунгабоқар)	1 655 999	▼	-749 407	-31%
Шрот (соя)	4 502 557	▲	856 285	23,5%
Пахта чигити шрот (қунжараси)	2 448 300	▲	147 135	6,4%
Арпа	1 350 000	—	0	0%

* Маҳсулотлар котировкаси охири ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охири савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варагидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 4 декабрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 314,85	▲	15,65	0,19%
1 Евро	9 408,25	▼	-3,04	-0,03%
1 Россия рубли	123,85	▼	-1,54	-1,23%
1 Англия фунт стерлинги	10 602,27	▼	-30,67	-0,29%
1 Япония иенаси	73,28	▼	-0,20	-0,27%
1 БАА дирхами	2 263,90	▲	4,26	0,19%
1 Афғонистон афғониси	110,13	▲	0,35	0,32%
1 Арманистон драми	17,20	▲	0,02	0,12%
1 Аргентина песоси	220,52	▼	-0,56	-0,25%
1 Австралия доллари	6 082,31	▲	78,67	1,31%
1 Озарбайжон манати	4 911,31	▲	9,24	0,19%
1 Бангладеш такаси	98,17	▼	-0,77	-0,78%
1 Болгария леви	4 812,39	▼	-3,77	-0,08%
1 Бахрайн динори	22 070,53	▲	40,96	0,19%
1 Бруней доллари	6 063,04	▲	25,94	0,43%
1 Бразилия реали	2 150,65	▼	-17,38	-0,80%
1 Беларусь рубли	3 904,60	▲	-40,07	-1,02%
1 Канада доллари	6 255,06	▼	-16,06	-0,26%
1 Швейцария франки	8 325,67	▼	-2,68	-0,03%
1 Хитой юани	1 195,38	▲	0,86	0,07%
1 Куба песоси	8 314,85	▲	15,65	0,19%
1 Чехия кронаси	362,49	▼	-0,60	-0,17%
1 Миср фунти	465,56	▲	0,36	0,08%
1 Грузия лариси	3 114,18	▼	-23,51	-0,75%
1 Венгрия форинти	29,10	▼	-0,10	-0,34%
1 Исроил шекели	2 238,36	▲	15,58	0,70%
1 Ҳиндистон рупийси	119,40	▲	1,93	1,64%
1 Эрон риали	0,20	—	0,00	0,00%
1 Қирғизистон соми	119,31	▲	0,24	0,20%
1 Жанубий Корея вони	7,43	▲	0,10	1,36%
1 Кувайт динори	27 354,18	▲	41,60	0,15%
1 Козогистон тенгеси	22,28	▼	-0,39	-1,72%
1 Малайзия ринггити	1 988,25	▲	8,48	0,43%
1 Польша злотийси	2 193,14	▲	0,54	0,02%
1 Сингапур доллари	6 060,83	▲	25,05	0,42%
1 Тожикистон сомони	883,15	▲	2,16	0,25%
1 Туркменистон манати	2 382,48	▲	4,49	0,19%
1 Янги турк лираси	1 595,39	▲	25,50	1,62%
1 Украина гривнаси	295,07	▼	-4,22	-1,41%
1 СДР	11 501,35	▲	2,06	0,02%

ЎзРВБ савдоларида АҚШ долларининг
сўмга нисбатан ўрнатилган
курси динамикаси

Сана	USD/UZS			
	курс	динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 й. 1 ноябрь	8255,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 2 ноябрь	8259,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 5 ноябрь	8266,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 6 ноябрь	8273,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 7 ноябрь	8266,0	▼	-7,00	-0,08%
2018 й. 8 ноябрь	8275,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 9 ноябрь	8272,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 12 ноябрь	8278,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 13 ноябрь	8271,0	▼	-7,00	-0,08%
2018 й. 14 ноябрь	8280,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 15 ноябрь	8276,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 16 ноябрь	8283,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 19 ноябрь	8291,0	▼	8,00	0,10%
2018 й. 20 ноябрь	8302,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 21 ноябрь	8297,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 22 ноябрь	8304,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 23 ноябрь	8305,0	▲	1,00	0,01%
2018 й. 26 ноябрь	8312,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 27 ноябрь	8318,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 28 ноябрь	8309,0	▼	-9,00	-0,11%
2018 й. 29 ноябрь	8319,0	▲	10,00	0,12%
2018 й. 30 ноябрь	8317,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 й. 3 декабрь	8320,0	▲	3,00	0,04%

СТАТИСТИКА

ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ


Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, республика тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажми 155,86 трлн. сўм бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 148,9%ни ташкил этди. Иқтисодиёт тармоқлари кесимида энг катта улуш саноат корхоналарини кредитлашга йўналтирилиб, сезиларли даражада, яъни 1,3%га қисқарди ва 38,9%ни ташкил этди. Ушбу сектордаги кредитларнинг умумий ҳажми 44,3%га ўсиб, 60,7 трлн. сўмга етди. Кредитлашнинг кейинги ўринларини транспорт ва коммуникациялар соҳаси — 19,8 трлн. сўмни (22,1%га ўсди), савдо ва маиший хизматлар — 9,9 трлн. сўмни (100,5%га ўсди), қишлоқ хўжалиги — 7,9 трлн. сўмни (70%га ўсди), қурилиш — 5,8 трлн. сўмни (ўсиш 72%) ташкил этди.

Банкларнинг жами кредитлар портфелида жисмоний шахслар кредити муҳим ролни ўйнади, уларнинг улуши 1,4 фоизга ортиб, саноат тармоқларидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб, 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 14,7%ни ташкил этди. Жисмоний шахсларнинг кредитлаш портфели 65%га ошиб, 14,7 трлн. сўмга етди.

Кўрсаткич номи	01.11.2017 й.		01.11.2018 й.		Ўсиш, %да
	Млрд. сўм.	Барча улуши, %да	Млрд. сўм.	Барча улуши, %да	
Кредитлар	104 704	100%	155 859	100%	48,9%
Саноат	42 052	40,2%	60 663	38,9%	44,3%
Қишлоқ хўжалиги	4 658	4,4%	7 919	5,1%	70,0%
Қурилиш	3 351	3,2%	5 751	3,7%	71,6%
Савдо ва ижтимоий хизматлари	4 920	4,7%	9 866	6,3%	100,5%
Транспорт ва коммуникация	16 243	15,5%	19 827	12,7%	22,1%
Моддий-техник таъминот ва сотиш	508	0,5%	2 440	1,6%	380,3%
Уй-жой коммунал хизматлар	971	0,9%	1 255	0,8%	29,2%
Жисмоний шахслар	13 901	13,3%	22 866	14,7%	64,5%
Бошқа соҳалар	18 099	17,3%	25 274	16,2%	39,6%

Миллий валютадаги кредитлар бўйича банк фоиз ставкалари

(ҳисобланган ўртача йиллик фоиз ставкалари, имтиёзли кредитлар фоиз ставкаларисиз, %)



Тижорат банкларининг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари 2018 йилнинг октябрь ойида 21,6%ни ташкил этди ва сентябрь ойига нисбатан 1,2%га ошди. Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари 1,2%га ошиб, 20,7%ни ташкил этди. Узоқ муддатли кредитлар ставкалари ҳам сентябрь ойи билан қиёслаганда, 1,1%га ошган ва 21,7%ни ташкил этди. Шу билан бирга, қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари бошқа сегментларда куйидагича намоён бўлди:

- 60 кунгача бўлган даврда 20,9%дан 20,6%гача камайди, аммо жорий йилнинг 10 ойи давомида ўртача 20,3%ни ташкил этди, энг паст кўрсаткичлар апрель ойида 19,6%, энг юқори фоиз ставкалари эса июнь ойида 21,2% атрофида кузатилди.
- 61 кундан 90 кунгача 22,8%дан 17%га тушди, бу жорий йилнинг 10 ойи мобайнидаги энг паст кўрсаткичдир.
- 91 кундан 180 кунгача, аксинча 1,8% га ортиб, 21,3%ни ташкил этди.
- 181 кундан 365 кунгача бўлган даврда ҳам 1,4%га ўсиб, 20,9% ни ташкил этди.

Амалиётда барча узоқ муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари ўсди. Хусусан, 1 йилдан 2 йилгача бўлган узоқ муддатли кредитлар 1,3%га, 2 йилдан 3 йилгача 0,6%га, 3 йилдан 4 йилгача 1,9%га, 4 йилдан 5 йилгача 2,3%га, 5 йилдан 10 йилгача 0,6%га ва 10 йилдан юқориси 2,1%га ўсди.

ЭЪЛОН

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. "Асака" акциядорлик тижорат банки.
3. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки.
4. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки.
6. "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки.
7. "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки.
8. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки.
9. Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат "Алоқабанк".
11. "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки.
13. "Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки.
14. "ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банки.
15. "Ўзагроэксспортбанк" акциядорлик тижорат банки.
16. "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки.
17. "Туркистон" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
18. "Давр Банк" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
19. Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Universal bank".
20. "Ravnaq-bank" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
21. "Invest Finance Bank" хусусий акциядорлик тижорат банки.
22. "HI-TECH BANK" хусусий акциядорлик тижорат банки.
23. "Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки.
24. "Мадад Инвест Банк" хусусий акциядорлик тижорат банки.
25. "КДБ Банк Ўзбекистон" акциядорлик жамияти.
26. "Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти.
27. Эрон "Содерот" банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИДА ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 1-курс тингловчилари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Унда жами 10 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.



Мурасасиз кечган ўйинларда, жамоалардан гоҳида омад юз ўнгирган бўлса, гоҳида кучлар тенг келди. Лекин курашда доим кучлилар галаба қозониб келган. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Қизиқарли ўйинларга бой бўлган мусобақада 3-ўрин учун баҳс "Пенсия фондларини бошқариш" ва "Тижорат банкларини бошқариш-2" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўйин "Пенсия фондларини бошқариш" жамоасининг 5:3 ҳисобидаги галабаси билан яқунланиб, улар мусобақанинг фахрли 3-ўрнига лойиқ қўрилди.

Мусобақанинг финал баҳсида ғолиблик учун кураш шиддатли кечди. Унда "Банк ҳисоби, аудити ва назорати" ва "Давлат молиясини бошқариш-2" жамоалари чемпионлик учун ўзаро беллашди. Ўйин "Банк ҳисоби, аудити ва назорати" жамоасининг 2:0 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди ва улар мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлишди.

Ғолибларга Банк-молия академияси раҳбарияти томонидан кубок, сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2019 Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат "Банк ахборотномаси" газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкilotлар орқали расмийлаштинг.
- Тахририят бугунги кунда қуйидагилар билан шартнома имзолаган:

ТАРКАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

- ▶ "Ўзбекистон почтаси";
- ▶ "Матбуот тарқатувчи" агентликлари.

ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:

- ▶ "SAYOR 2017" МЧЖ;
- ▶ "GRAND INTER MEDIA" МЧЖ;
- ▶ "SHA-GAY PRESS SERVIS" МЧЖ;
- ▶ "Matbuot Servis" МЧЖ;
- ▶ "Matbuotchi" МЧЖ;
- ▶ "SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ;
- ▶ "KALEON INFORM" МЧЖ;
- ▶ "MATBUOT TONGI" МЧЖ.

- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, тахририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



ОБУНА-2019

**БОЗОРНИ
ТўЛАҚОНЛИ
ИДРОК ЭТИШ
ИМКОНИЯТИ**



Обуна бўйича мурожаат учун:

Тел.: (998) 71 232-45-32, 71 233-45-16.

Факс: (998) 71 232-43-98.

E-mail: info@banknews.uz

Обуна индекси – 102.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.О.ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, "Туркистон-пресс" НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
71 232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-гартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 1289.

Адади 3054 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 04.12.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 F